

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 90-ҳадис

90 - وَعَنْ أَبِي عَمْرٍو - وَقِيلَ: أَبِي عَمْرَةَ - سُفْيَانُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ قُلْ لِي فِي الْإِسْلَامِ قَوْلًا لَا أَسْأَلُ عَنْهُ أَحَدًا غَيْرَكَ، قَالَ: «قُلْ: آمَنْتُ بِاللَّهِ، ثُمَّ اسْتَقِمَّ» رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [38].

90. Абу Амр (ёки Абу Амра) Суфён ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг расули! Менга Исломда шундай бир сўз айтингки, у ҳақда бошқа ҳеч кимдан сўрамай.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

- Аллоҳга иймон келтирдим, деб айтгин-да, сўнгра тўғри йўлда юр!

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Мазкур ҳадис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган жавомеул калим (қисқа сўзларда улкан маъноларни ифодалаш) мўъжизасининг ажойиб намунасидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобийнинг саволига икки оғиз сўз билан жавоб бердилар ва мана шу икки калимада Ислом асосларини баён этдилар: Иймон ва ҳақ устида собитқадам туриш. Маълумки, Ислом тавҳид ва итоатдан иборат. Тавҳид Аллоҳга иймон келтириш билан юзага келса, итоат тўғри йўлда юриш билан бўлади. Зеро, у шариат буйруқларига тўла бўйсуниб, қайтарилган амаллардан йироқ юрмоқдир. Иймон, Эҳсон ва Ислом каби қалб ҳамда бадан амали ушбу доира ичига киради. **“Бас, сизлар Унинг ўзига тўғри (тоат-ибодатда) бўлингиз ва Ундан мағфират сўрангиз!”** (Фуссилат сураси, 6-оят).

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар:

1. Тўғри йўлда юриш нима дегани?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳга иймон келтирдим, дегин-да, сўнгра тўғри йўлда юр!”** дедилар.

Бошқа бир ривоятда: **“Раббим - Аллоҳ!”** дегин-да, сўнгра тўғри йўлда юр!” дейилган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу сўзлари қуйидаги оятлардан олингандир: **“Албатта “Парвардигоримиз Аллоҳдир”, деб сўнгра тўғри йўлда юрган зотларнинг олдиларига (ўлим пайти) фаришталар тушиб, дерлар: “Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар!”** (Фуссилат сураси, 30-оят).

“Албатта “Парвардигоримиз Аллоҳдир”, деган, сўнгра тўғри йўлда устивор бўлган зотлар учун хавфу хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмаслар”. (Аҳқоф сураси, 13-оят).

Абу Бакр разияллоҳу анҳу **“Сўнгра тўғри йўлда устивор бўлганлар...”** оятини қуйидагича шарҳлаганлар: “Улар Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмадилар. Аллоҳдан ўзга биронта илоҳга юзланмадилар. Аллоҳ таоло - Парвардигоримиз, деб собит турдилар”.

Умар разияллоҳу анҳу юқоридаги оятни минбарда туриб тиловат қилдиларда, бундай дедилар: “Улар Аллоҳ таолонинг тоатида собит турдилар. Тулкига ўхшаб йўлда эгри-бугри юрмадилар”.

Юқоридаги сўзларда комил тавҳид устида устивор туриш таъкидланаяпти. Қушайрий айтадилар: “Ҳақ йўлда собитлик ишларни камолга етказувчи бир даражадир. У мавжуд бўлиши билан яхшилиқлар юзага келади ва тартибга тушади. Ҳақ йўлда собит бўлмаган киши охир-оқибат муваффақиятсизликка учрайди”.

Тўғри йўлда устивор туришга фақат улуғ инсонларгина қодир бўладилар. Чунки у одат ва кўникмалардан ажралиб, Парвардигор қаршисида содиқ бўлиб турмоқдир.

Воситий айтадилар: “Ҳақ йўлда собитлик шундай бир сифатки, у билан хайрли ишлар камолига етади”.

Ибн Ражаб айтадилар: “Ҳақ йўлда собитлик бу тўғри йўл-ҳақ дин устида ўнгу сўлга бурилмасдан, оғишмасдан собит қадам ташламоқдир. У барча зоҳирий ва ботиний тоат-ибодатларни ҳам, жамики қайтариқларни ҳам ўз ичига олади. Демак, Пайғамбаримизнинг ушбу васиятлари барча хайрли хислатларни ўзида мужассам этган”.

2. Инсон тўғри йўлда юриш борасида ҳам ноқис.

Ҳақ йўлда собитлик ҳолату маърифат камолида улуғ даража, сўзу амалда қалбнинг поклиги ҳамда эътиқоднинг бидъат ва залолатлардан тозалиги дея таърифланган экан, инсон тўғри йўлда тўла-тўқис бўла олмайди, барибир унинг камчиликка йўл қўйиши турган гап. **“Бас, сизлар Унинг ўзига тўғри тоат-ибодатда бўлингиз ва Ундан мағфират сўрангиз”.** (Фуссилат сураси, 6-оят).

Яъни нуқсон-камчиликларни йўқотиш учун мағфират тилаб, тўғрилиikka қайтингиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни тўғрилиikka, ҳақ устида собит туришга буюрдилар:

“Тўғриликда собит бўлаверингиз. Аммо ҳаргиз тўла-тўқис тўғриликда бўлолмайсизлар”. (Муслим ва Аҳмад ривоятлари).

“Тўғри йўлга юринглар ва тўғрилиikka яқинлашаверинглар!” (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Юқоридаги ҳадислар инсоннинг тўғрилик борасида нуқсонли эканига очиқ далилдир. Ҳақ йўлда собит бўлиш сўз, амал ва мақсадларнинг барчасида нишонга аниқ отилган ўқдек тўғри бўлишни талаб қилади.

3. Қалбнинг тўғрилиги.

Тўғри йўлда устивор туриш негизида тавҳид асосидаги қалб тўғрилиги ётади. Қачонки қалб Аллоҳни таниб, Ундан қўрқиб, Уни улуғлаб, севиб, истаб, Унга илтижо қилиб, таваккул этиб, фақат Ундан умидвор бўлиб ва ўзгалардан юз ўгириб, тўғрилик касб қилар экан, тананинг бошқа аъзолари ҳам Аллоҳнинг тоат-ибодатида устивор бўлади. Чунки қалб тана аъзолари қаршисида шоҳ саналса, аъзолар унинг оддий аскарларидир. Агар шоҳ ислоҳга юз тутса, қўшин ҳам, раият ҳам салоҳиятли бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Огоҳ бўлингизким, танада бир парча гўшт бор. Агар шу парча гўшт яхшиланса, бутун тана яхшиланади. Агар у бузилса, бутун тана бузилади. Билингларки, у қалбдир!”** (Бухорий ривоятлари).

4. Тилнинг тўғрилиги.

Инсон аъзолари орасида қалбдан кейин тилнинг тўғрилиги алоҳида аҳамиятга эга. Чунки тил қалбнинг таржимони ҳисобланади. Киши учун энг хавфли нарса хусусида савол беришганида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тилларини ушлаб кўрсатганлар.

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Банданинг иймони то унинг қалби тўғриланмагунга қадар тўғриланмайди. Токи тил тўғриланмас экан, қалб тўғри бўлмайди”**. (Аҳмад ривоятлари).

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Одам боласи уйғонганида, унинг аъзолари тилни ўраб олиб шундай дейдилар: “Бизнинг ҳақимизда Аллоҳдан кўрқ! Чунки биз фақат сенга боғлиқмиз. Агар сен тўғри бўлсанг, биз тўғри бўламиз. Сен эгри бўлсанг, биз ҳам эгри бўламиз!”** (Термизий ривоятлари).

5. Тўғрилиқ фойдаси.

Тўғрилиқ ўз соҳибига тоат-ибодат билан ҳавою хоҳишлар ўртасида бўладиган жангу жадалда мустаҳкамлик бахш этади, уни мардлик ва муваффақият сари етаклайди. Шу боис, ҳақ йўлдан асло оғишмай ҳаёт кечирган солиҳ бандалар шу дунёдаёқ фаришталардан жаннат хушхабарини эшитишга ҳақли бўладилар. Аллоҳнинг малоикалари уларнинг хавф-хатар ва ташвишларини аритиб юборадилар.

“Албатта: “Парвардигоримиз Аллоҳдир”, деб, сўнгра тўғри йўлда устивор бўлган зотларнинг олдиларига фаришталар тушиб дерлар: “Кўрқманглар ва маҳзун бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар! Бизлар ҳаёти дунёда ҳам, Охиратда ҳам сизларнинг дўстларингизмиз. Сизлар учун жаннатда кўнгилларингиз тусаган нарсалар бордир ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз муҳайё”. (Фуссилат сураси, 30, 31-оятлар).

6. Тўғрилиқ аҳамияти.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Парвардигор томонидан айнан шу нарсага буюрилдилар: **“Ўзингизга буюрилганидек тўғри йўлда бўлингиз”**. (Худ сураси, 112-оят).

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар: “Расулulloҳ соллаллоҳу

алайҳи васалламга Қуръоннинг жамики оятлари ичида мана шу оятдан қаттиқроқ ва оғирроқ оят нозил қилинмаган”. Саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ! Соч-соқолингизга нега бунча эрта оқ оралади?” деб сўраганларида, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

- Мени Худ сураси ва унинг шериклари қаритди, - дедилар.

Ҳасан разияллоҳу анҳу айтадиларки: “Мазкур оят нозил бўлгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жиддий машғул бўлиб қолдилар ва кулиб юрганлари кўринмади”.

Қушайрий ривоят қиладилар: Бир киши тушида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб, у зотдан: “Ё Расулуллоҳ! **“Мени Худ ва унинг биродарлари қаритди”**, дегансиз. Айнан қайси оят сизни қаритди?” - деб сўради.

- “Ўзингизга буюрилганидек тўғри йўлда бўлингиз!” ояти, - деб жавоб берибдилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам.

7. Тавҳид ва Ёлғиз Аллоҳ ибодатига ихлос қўйиш билан ҳақ йўлда устивор бўлишга бир-биримизни чақирайлик

8. Саҳобаи киромлар ҳамиша динларини яхшироқ ўрганиш ва иймонларини саломат сақлашга ташна бўлишган.

Манба: hadis.islom.uz

